Она юртинг — олтин бешигинг

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган	№ 29 (65905) 1996 йил, 1 май, чоршанба	Сотувда эркин нархда



Сўнгги қўнғироққа 25 кун қолди

МАКТАБИМ - ҚАЙДА БЎЛМАЙ СЕНИ МАҚТАГУМ

Мен қуллуқ қиларман, эй қутлуғ даргоҳ,
Тафаккур илмининг илк кошонаси.
Кўнглим - кун кўзимга ёқдинг
шамчироқ,
Ярқираб кетди завқ, шавқ, остонаси.

Полапон мисоли талпиниб унда
Илк бора эшигинг қоққанимда мен.
Фақат бир сен эмас, дунё ҳам шунда
Эшигин очишин қайдан билибман?

Илк бора ҳарфлар каштасин тўқиб,
Устозлар измида танидим олам.
Умр йўлларининг сабоғин ўқиб,
Туғёнли бағрингда улғайди ОДАМ!

Оддий тўрт амалнинг шаклини чизиб
Кўзимга нур бўлиб қуйилди фалак.
Юлдузлар васлида тўрт фасл кезиб,
Оташин орзулар туғилди талак.

Бугун шу орзулар бағридан тортиб,
Узоққа етаклар йиллар елдирим.
Насибам сочилган йўллардан ортиб
Бошингдан сочарман гуллар келтириб.

Гулларим - сабоғинг, саботинг сенинг
Ҳаётга ташналик, чанқоқлик улар.
Ҳар куни такрорлар саломим менинг,
Қуёшдек ҳарорат, чақноқлик улар.

Қадрдон мактабим, азиз даргоҳим
Болалик уфқининг чўғи жонажон!
Қадрдон устозим, дўстим, ўртоғим,
Халитдан қалбимни қийнар ҳаяжон!

Мен сендан айрилмай соғинаяпман,
Мен сендан қайрилмай, соғинаяпман.
Меҳрингу сеҳрингда бунчалар маъно,
Мен сенга термулиб, сиғинаяпман.

Кўзимдан қалққан ёш - ўкинч ёшимас,
Қувончми, қайғуми, билолмай дил лол.
Кўнглимдан оққан куй аро жўшиб маст,
Тек қотсам, тепамда ярқирар ҳилол...



БОШИНГДА ОЙ БЎЛИБ ТЎХТАГУМ!

Хайр дерман, хайр мактабим
Қайда бўлмай сени мақтагум,
Номингга доғ туширмай мангу
Бошингда ой бўлиб тўхтагум.

Болалигим қолди ортимда
Ўн еттида ёшгинам ҳозир,
Катта ҳаёт йўли олдинда,
Катта ҳаёт пешвоз мунтазир

Устозларим оқ йўл тилайди
Узатаркан мактабдан бугун.
Ҳаяжонга қалбим белайди
Кузатаркан мактабдан бугун.

Севинчданми, кўзимда шабнам,
Дилда меҳрим, боқаман шодон.
Чин дўстлик ё муҳаббат, билмам,
Қалбимда бор бир ажиб туғён.

Раҳмат сизга азиз устозлар
Пок дил сизни мангу эъзозлар.
Ҳаёт китобидан сиз тинмай,
Дарс бердингиз ҳеч бир эринмай.

Оппоқ тонгни қаршилаб шодон,
Қалбгинамда жўшар ҳаяжон,
Руҳим тетик, кўнгил беҳад шод
Салом сенга мустақил ҳаёт!

УМИДА

Эшит синфдошим, меҳрибон дўстим, тинглагин ўғлоқ

Сўнгги қўнғироқ

(«Сўнгги қўнғироқ» сценарийси)

1-ўқувчи:

Турфа рангли гуллар
кўтариб
Остонангдан хатлаган эдик.
Барча фандан билимлар
олиб,
Келамиз, деб отланган эдик.
Ёзлар, кузлар, қишлар,
баҳорлар,
Ўтганига ишонмай бир оз.
Бу кун энди хайрлашишга
Келганимиз наҳот бўлса
рост?

2-ўқувчи:

Сахий бир донишманд бобо
сингари
Қалбимизга билим уруғин
сочдинг.
Гўёки сеҳргар доно сингари,
Билимлар оламин эшигин
очдинг.
Қуёшга қараган ниҳолдек бу
кун,
Улғайдик бағрингда
билимга чанқоқ.
Ота-она каби сездинг
дардимиз,
Қалбимиз тушундинг, гўё
дўст-ўртоқ.

1-ўқувчи:

Бир донишманддан «Дунёда нондан кейин турувчи энг азиз, зарур нарса нима?» деб сўрашганда у «Мактаб» деб жавоб берган экан. Ҳақиқатан ҳам агар нон жисмимиздаги ҳаётни сақлаб турувчи бир восита булса, мактаб бизни инсонлар сафига қўшувчи воситалардан биридир. Мактаб бизнинг ҳаёт ҳақидаги тасаввурларимизни шакллантиради, бизга илк билим ва сабоқларини беради.

2-ўқувчи:

Жамоа орасида узимизни тутиш маданиятини ўргатган ҳам ана шу мактаб. Маданият деганда нафақат суҳбат, мутолаа ва имло, балки кундалик турмушимизда ҳам узимизни қандай тутишимиз лозимлигини ўргатади бизга мактаб. У ҳар бир ҳаракатимиздан хабардор, ножўя босган қадамимиздан огоҳ қилади, камчилик ва нуқсонларимизни руйрост курсатиб беради.

Ҳар йил ўз бағрингга қабул қилгайсан,
Пештоқингда ёзув «Келинг, марҳамат».
Инсонийликдан илк сабоқ бергайсан,
Сенда жавоҳир — илм,
инжу-маърифат.

1-ўқувчи:

Мактаб деганимизда энг аввало кўз унгимизда меҳрибон муаллимларимиз, устозларимиз намоён бўлади. Уларнинг машаққатли меҳнатларини игна билан қудуқ қазишга қиёслаш мумкин.

2-ўқувчи:

Мана шундай тантанавор кунда азиз устозларимизга миннатдорчилик туйғуларимизни уз ҳазил шеърларимиз билан изҳор қилмоқчи эдик.

ОНА ТИЛИ ФАНИ ЎҚИТУВЧИСИГА

Мактаб гарчи ўргатса,
Ҳаммамизга ҳаётни.
Она тили ўргатди
Бизга имло, саводни...

АДАБИЁТ ФАНИ ЎҚИТУВЧИСИГА

Қаҳрамонлар тақдирин
Ўйлаб ўйга чўмишлар.
Қолиб кетди китобда,
Отабеклар, Кумушлар...
Сўзингиздан йилма-йил
Олдик сабот, кудратлар.
Одоб илмин ўргатган
Навоийлар, Фитратлар...

МАТЕМАТИКА ФАНИ ЎҚИТУВЧИСИГА

Гоҳида айирув, гоҳида
қўшув,
Гоҳида косинус, гоҳида
синус.
Математикадир —
пойдевор, илдиз,
Ҳисоб-китоб бўлмас дунёда
усиз.
Олингу олдирманг, бўлинг,
кўпайтинг,
Миннатдорлик сўзин
баландроқ айтинг.

ФИЗИКА ФАНИ ЎҚИТУВЧИСИГА

Буюк физик олимлар
Ўлчамаганлар нечун,
Хайрлашиш онида
Мактабнинг тортиш кучин?
Ўлчаганида уни
Бирор буюк сеҳргар.
Тенг бўларди қанча ватт.
Неча ампер меҳрига?

БИОЛОГИЯ ФАНИ ЎҚИТУВЧИСИГА

Муаллим опа (ака) қаранг
Болажонлар кулянти.
Кўзимиздан ёш оқиб,
Рефлекс ҳосил бўлянти.

КИМЁ ФАНИ ЎҚИТУВЧИСИГА

Кислороду водород,
Кислоталар, углерод.
Бизнинг реакциялардан
Дарсда чекарди фарёд.
Энди-чи, ўзга ҳолат,
Рақс тушар калий фосфат.
Ўйнайди ацетилин,
Этилену, галоген.
Ишқорий металл, газлар,
Ҳаммаси созин созлар
Муаллим опа (ака) сиз ҳам,
Унутинг ҳар қандай ғам.
Биз-чи гул тутиб шу он
Деймиз: Раҳмат опажон! (акажон)

АСТРОНОМИЯ ФАНИ ЎҚИТУВЧИСИГА

Юпитер катта юлдуз
Энг кичиги Муштарий.
Турфа юлдуз туркуми
Дарсликда бордир бари.
Қуёшнинг саховати
Яшнатмоқда дунёни
Муаллим ҳам қуёшдек
Таратади зиёни.

ЧЕТ ТИЛИ ФАНИ ЎҚИТУВЧИСИГА

Ўргандик биз бу фандан
Ўзга юртнинг элини.
Тарихини ўқидик,
Сўнгра она тилини.
Балки бизни олдинда
Кутар янги шаҳарлар,
Қизиқ-қизиқ учрашув,
Чет элларга сафарлар.

ЖУҒРОФИЯ ФАНИ ЎҚИТУВЧИСИГА

Қай давлат,
мамлакатда
Қай бурчакда,
ҳилқатда
Борми дарё ё ўрмон,
Ё тоғлар тошган
макон?
Белгилар, ёзилмалар,
Фойдали
қазилмалар...
Жуғрофия — қизиқ фан
Ҳамма унга берган тан.

РУС ТИЛИ ФАНИ ЎҚИТУВЧИСИГА

Ўргатдингиз сўзлашишни тилингизда,
Дарс бердингиз бор вужуду дилингиздан.
Биз ўргандик Пушкин каби даҳоларни,
Хафа бўлдик олсак ёмон баҳоларни...

ЧИЗМАЧИЛИК ФАНИ ЎҚИТУВЧИСИГА

Узун, қисқа, чизиқлар,
Гўё турли йўлақдир.
Сизга айтсак тўғрилик
Ҳамма жойда
керакдир.
Тўғри бўлинг доимо
Дейди чизиқ тизмаси.
Тўғриликнинг
тимсоли,
Мактаб йўриқ-
чизмаси.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИСИГА

Кўп такрорланар бу дарсда
Азалдан қолган нақл.
Тинманг, дўстлар,
машқ қилинг
Соғ баданда соғ ақл.

БОШЛАНҒИЧ ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИСИГА

Ҳарб илмидан
қилдингиз
Бизга кўплаб ҳикоя.
Қандай қилсак
яхшидир
Ўзимизни ҳимоя.
Сиздан олганда
сабоқ,
Қалбда уйғонди
тилак.
Ватан ҳам кўз
қорачиқ,
Уни асрамоқ керак.

МУСИҚА ФАНИ ЎҚИТУВЧИСИГА

Қилар эдик хиргойи
Бирор куйни жўр
бўлиб.
Баъзан якка гоҳида,
Айтар эдик хор
бўлиб.
Ажратарди иккига
Синфимизни
устозлар.
«Иккинчи»га ўтарди,
Жарангсизроқ
овозлар.

МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИСИГА

Сотиб олиб
дўкондан,
Турли рангли
тасмалар.
Қўйлакларга
тикардик,
Гўё гуллар-босмалар.
Рандалардик
рандада,
Гуё уста дурадгор.
Меҳнат дарси
меҳнатга
Ўргаттувчи мададкор.

БИРИНЧИ ЎҚИТУВЧИМГА

Энг оддий
саволлардан
Мураккабларга
қадар.
Бир дақиқа тинчимай
Дарсларда ўргатдингиз.
Ўттиз икки ҳарфдан
Энг қийин фанга қадар.
Сабр -матонат билан
Билмасак юпатдингиз.
Биринчи устоз деган
Номингиз тилда такрор
Ахир билимимизга
Сиз қўйгансиз пойдевор.

МАКТАБ ДИРЕКТОРИГА

Биз гўё дарёмиз, ҳайқирган
уммон,
Биз гўё тоғларимиз,
дарахтзор, ўрмон.
Ниҳоллар ўстирган, сабоқ
ўргатган,
Уммонлар бешигин ўзи
тебратган
Муаллим опамиз (акамиз)
директор, устоз,
Сизга минг ташаккур ва
минг бир эъзоз.

1-ўқувчи:

Азиз устозлар, сизнинг олдингиздаги қарзларимиз нечоғли катталигини сезиб, келажакда сиз истаган, орзу қилгандек инсонлар бўлиб етишишимиз учун барча кучгайратимизни сарфлаймиз.

2-ўқувчи:

Ҳақ йўлинда ким сенга
Бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо,
Онинг ҳақин юз ганж ила,

деган эканлар бобомиз Алишер Навоий.

1-ўқувчи:

Устозлари Абдураҳмон Жомий эса муаллимлар ҳақида ушбу байтларни биттанлар:

Устод муаллимсиз қолганда замон
Нодонликдан қора бўларди жаҳон.

2-ўқувчи:

Мен бир ривоятни
келтирмоқчиман:

«Бир аллома шогирдлари билан ҳар гал кўришганида «Қандай эзгу иш қилдингиз? Кимларга нафингиз тегди?» деб сўрар экан. Навбатдаги учрашувда шогирдларидан бири: «Кечаги тунда эшигимга нотаниш киши келиб қолди. Қарасам, бир фақир. Эгнимдаги чопонимни унга бердим. Барча мол-мулкимни ҳадя қилдим. Устимдаги қийимимдан бўлак ҳеч вақойм қолмади» дебди. Аллома бу сўзлардан сўнг ҳеч нарса демабди. Сўз навбати бошқа шогирдига келгач, у дебди: «Қайси кун шоҳ ўрдаси олдидан ўтиб кетаётсам бир кишини жазоламоқчи бўлиб туришган экан. Ҳукм бўйича унинг бир қўли чопилиши керак экан. Уни бу оғир қийноқдан қутилтирмоқ учун ўз қўлимдан кечдим». Яна устоздан садо чиқмабди. Шунда ёнидагилардан бири ундан: «Шогирдларингиздан қай бири фидойи ва комилроқдир?» деб сўрашганда, аллома: «Буларнинг қилган яхшиликларидан фақат икки кишигина баҳраманд бўлибди. Одамнинг қилган эзгу ишидан барча эл баҳра топмоғи лозим» деган экан.

1-ўқувчи:

Ҳақиқатан ҳам, агар шу маънода устозларимизнинг меҳнатига разм соладиган бўлсак, бу меҳнат улуғвор ва ҳар қандай таҳсинга сазовордир.

2-ўқувчи:

Ҳозир сўзни битирувчиларимиздан эшитсак.

Битирувчи ўқувчи: Ҳадемай, учирма полапон мисоли мактабимизни тугатиб, ҳар биримиз ўз соҳаларимиз бўйича мустақил ҳаётга қадам қўямиз. Аммо жонажон мактабимиз ва азиз ўқитувчиларимиз, қадрдон синфдошларимизни ҳеч қачон унутмаймиз.

Эслайман сизларни, азиз
дўстларим,
Сервиқор ва кўркам баҳор
чоғида.
Совуқ қиш ҳукмини
сурган даврда,
Олтин куз фаслида, ёз
қучоғида.
Дарёлар талпиниб узоқ-
узоққа,
Ойлар, куплар ўтар, ўтади
ҳаёт.
Қай эзгу ишингиз, қай
ижодингиз
Из қолдирар сиздан балки
умрбод.

1-ўқувчи:

Бугун узгача кун. Барчамизнинг қалбимизда бир умрга муҳрланиб қолажак байрамдир. Қаранг, гуё охирги қўнғироқ ҳам бизга узининг энг яхши тилакларини билдираётгандек туюлади.

2-ўқувчи:

«Охирги қўнғироқ» шеърини уқиб беради.

Бугун ҳар бир нарса гуё,
ўзгача сабоқ
Ўзгача шивирлар ям-яшил
япроқ ва майин гиёҳ.
Ташвиш, ҳаяжонга тўлган
дилимиз ғамгин ва қувноқ
Эшит синфдошим
меҳрибон дўстим,
тинглагин ўртоқ.
Жаранглар сўнги қўнғироқ!
Қандай тез ўтдингиз
мактаб йиллари
шод ўйинқароқ,
Кулгу, насиҳат хаёлларга
бой, жўшқин ва қувноқ
Сермазмун, серижод
ўтдингиз бир зум,
кутмасдан узоқ.
Аммо шунча тез кутмаган
эдик биз сени мутлоқ,
сўнги қўнғироқ!
Гуё ўз базмини бугун
ўтказар.
Бир азим қирғоқ,
Ахир бир дарёдан бугун
ажралар
Қанчалар ирмоқ.
Ирмоқларга эса йўл очиқ
ҳар ён
Йўл ёруғ ҳар ёқ,
Сизларга оқ йўл тилайман!
— дейди гуёки шу чоқ
Сўнги қўнғироқ!

Сценарий муаллифи Кавсар ТУРДИЕВА.

— Бўлди, энди йиғлама, Алишер. Битта шоколадга шунчами? Ахир укамиз еди-ку, — дея уни юпатди акаси.

— Кечаги шоколадни ойим «ширин экан» дегандилар. Шунинг учун ўзимникидан бир бўлагини уларга олиб қўйган эдим. Ишдан келганларида бермоқчийдим, — дея яна баттарроқ ҳархаша қилди Алишер.

— Майли ойимга шоколадингдан кейинги гал берарсан. Ҳозир эса қарагин, мана бу ма-

(Ҳикоя)

шинани, ўзи юради-я, — чалғитмоқчи бўлди акаси.

Машина деса ҳар қандай ўйинчоқларини ташлайдиган Алишер акасининг қўлидагига қарамади ҳам. Чунки у ойисига олиб қўйган шоколадни еб қўйгани учун укасидан жуда-жуда хафа эди.

Ноилож қолган акаси магазинга бориб, ойиси мақтаган шоколадни олиб келди. Шундан кейингина, Алишер укаси билан ярашиб олди. Энди у ойисини тезроқ ишдан қайтишини сабрсизлик билан кута бошлади.

Дилором ОТАМУҲАМЕДОВА,
Акмал Икромов туманидаги
197-мактаб ўқитувчиси.

Митти ҳикоялар

ОЙИМ МЕНДАН ХУРСАНД БЎЛДИЛАР

Ўшанда олтинчи синфда ўқирдим. Бир куни ойим оғир бетоб бўлиб ётиб қолдилар. Сўнгра касалхонада даволанишларига тўғри келди. Мен оилада тўнғич фарзанд бўлганим учун рўзғор юмушлари менинг зиммамга тушди. Укаларимга ҳам ўзим қарадим. Орадан кўп ўтмай, ойим соғайиб уйга қайтдилар. Мана шу бир неча кун давомида янада улғайиб қолгандек бўлдим. Ойижонимга қанчалик қийин эканлигини тушуниб етдим. Ойим келганларида дадам:

— Яхшиямки бахтимизга Шуҳратжон бор экан. Йўқлигингизни билдирмай, уй-рўзғор юмушларини ҳам, укаларини ҳам ўзи эплади. Мактабда дарслари тугаши билан уйга чопади. Укаларини овқатлантириб, турли хил ўйинлар ўйнатади. Ўғил боламан, деб ўтирмай, укаларининг кир-чирларини ҳам ювиб кетаверди, — дея мени роса мақтадилар. Шунда ойижоним мени бағирларига босиб: «Раҳмат ўғлим, сендан жуда хурсандман» дея пешонамдан ўпиб қўйдилар. Мен эса «Энди фақат ойим йўқликларида эмас, доимо уларга қарашаман» деб ўз-ўзимга ваъда бердим.

ШОКИР УЗР СЎРАДИ

Ўша куни ҳамма синфдошларимиз Шокирдан қаттиқ ранжишди. Арзимаган сабаб билан у Ҳилолани ҳақорат қилди. Бу ҳақоратдан Ҳилоланинг кўнгли тўлиб, юм-юм йиғлади. Унинг кўз ёшлари юракларимизни эзиб юборди. Шокирга нисбатан қандайдир чора кўриш керак? Айрим қизиққон болалар Шокирни дўппослаб, таъзирини бериш керак, деган таклифни ҳам киритишди. Шунда синфбошимиз уларни тўхтатди. Бу масалани синф мажлисида ҳал қилиш лозимлигини айтди.

Шу куни синфимизда навбатдан ташқари мажлис чақирдик. Ўқувчилар бирма-бир сўзга чиқиб, Шокирнинг қилмиши нотўғри эканлиги, Ҳилоладан узр сўраши лозимлиги ҳақида гапиришди.

Шокир хатоларини тушуниб етди. Барчанинг олдида Ҳилоладан узр сўради.

Абдурасул ПАРДАЕВ.



МЕН УЧУН БЎЛАМАН

Т.ЛУТФУЛЛАЕВ фотоси

Донолар ҳаётидан

Бир куни Суқрот ҳоким бир катта бой ҳамроҳлигида сафарга чиқибди. Йўлда қароқчиларга учраб қолишибди. Шунда бой ваҳимага тушиб дебди:

— Вой-дод, улар мени таниб қолишса, аҳволим не кечаркин?

Суқрот ҳоким хотиржамлик билан жавоб қилибди:

— Эй худо, мени танишмаса, ҳолим не кечади, ўзинг асра илойим!



* * *

Арастудан сўрашибди:

— Бошқа одамлардан қандай фарқингиз бор?

Арасту жавоб берибди:

— Одамлар емак, ичмак учун яшайдилар, мен эса яшаш учун еб-ичаман.

* * *

Донишманддан сўрадилар:

— Отинг ёмон бўлса қандай қутуласан?

— Сотиб қутуламан, — деб жавоб қилди у.

— Дўстинг ёмон бўлса-чи?

— Қочиб қутуламан.

— Қўшнинг ёмон бўлса-чи?

— Уйимни сотиб қутуламан.

— Фарзандинг ноқобил чиқса-чи?

— ...

Абдуфаттоҳ ҳожи НАБИХЎЖА ўғли тўплаган.

Кичкина одам билан катта суҳбат

Бугунги суҳбатдошимиз севимли актёримиз Азиз Қосимов, йўғ-э, Эркин Комиловнинг суюкли ўғли Азизжондир. У билан отаси ҳақида суҳбатлашдик, қолаверса, ўзи, тенгдошлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик:

- **Азизжон, дадангизни кўча-кўйдаларда ким кўрса, «Ана, Азиз Қосимов келяпти» дея қаршилашади. Балки улар ўзига топширилган ролларни маромига етказиб ижро этадиган, халқ ардоғидаги актёр Эркин Комилов ўғлининг исми ҳам Азиз эканлигини билишмаса керак-а?**

- Уктам Усмонов асари асосида саҳналаштирилган «Гирдоб» спектаклидаги Азиз Қосимовга хос фазилатлар дадамнинг табиатларига ёққан бўлса керак-да, исмимни Азизжон қўйишган.

—**Отангиз билан сизнинг болалик йилларингизни бир таққослайлик.**

Ўхшашлик томонимиз камроқ бўлса керак. Мен Тошкентда туғилганман. Отам эса Андижон вилоятининг Кўрпа (ҳозирги Хўжаобод) қишлоғида таваллуд топганлар. Бобомни Комил қори дейишар экан. Эшитишимча, улар жуда ўқимишли одам бўлиб, Фитрат, Чўлпон, Бобур, Абдулла Қодирий асарларини ёддан билган эканлар. Отам бобомнинг қистовлари билан қўшни маҳалладаги Аминжон ҳожидан дурадгорлик, тақачилик, маҳсидўзлик ҳунарларини обдон ўрганган эканлар. Отам оилада 3 ўғил 2қиз бўлишган. Менинг эса беш опам бор. Отам заҳматкаш инсонлар. Ҳаётда нимагаки эришган бўлсалар, ҳаммасига меҳнатлари туфайли эришганлар. Дадам кейинги пайтларда иштирок этган Ҳамза театридаги «Уфқ» (С.Аҳмад), «Ноёб нусха», «Абулфайзхон» (Фитрат), «Мирзо Улуғбек (М. Шайхзода), «Бобур» (П. Қодиров) спектакль премьераларини мириқиб томоша қилдим. Дадам ҳар бир яратган образлари устида жуда берилиб ишлайдилар. Бундай кезларда теварак-атрофни буткул унутиб, ўзга бир оламда яшайдилар гўё.

—**Азизжон, ўз ҳақингизда ҳам гапириб беринг. Орзуларингиз қандай? Отангиздек таниқли актёр бўлиш ниятидадирсиз?**

—Адабиёт, биология, математика фанларини яхши кўраман. Ўқишларим ҳам яхши. Орзуларимга келсак, улар жуда улкан. Санъатга ихлосим баланд. Худди дадамдек халқ севган санъаткор бўлолмасам ҳам, Эркин аканинг ўғли ҳам актёр бўлибди-да. Худди отасининг ўзи-я!» дейишса бўлди мен ҳақимда.

- **Дўстларингиз, синфдош, тенгдошларингиз ҳақида ҳам гаплашайлик.**

— Дўстларим жуда кўп, худди дадамники сингари. Жуда яхши болалар. Ҳар бири билимга чанқоқ, янгиликка интилувчан. Аммо эртадан кечгача телевизор рўпарасидан кетмайдиган, видеосалонларга қатнайдиган, мактабга ҳам энг русмбоп кийимларда келиб, ўзларини кўз-кўз қиладиган тенгдошларимиз ҳам йўқ эмас. Дарслардан қочиб, бозорларда «учарлик» қилиб юрган болаларни кўрсам, ачиниб кетаман.

-**Дарсдан бўш вақтларингизда нималар билан шуғулланасиз? Севимли машғулотингиз нима?**

- Китоб ўқиш. Яна 40 сотих еримиз бор. У ердаги хўжалик—деҳқончилик ишларига жондилим билан ёрдамлашаман. Иш қилаётганимда доимо қўшиқ айтгим келади. Шунинг учун бўлса керак, ҳечам зерикмайман.

Дилфуза Дамин қизи суҳбатлашди.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г -0257.
7691 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефон: 33-44-25

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй